



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
2 декабрь
ШАНБА
№ 97
(11.900)

1928 йил 11 декабрда асос солинган **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шахрида 1 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатасининг аъзолари ишчи "Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига" қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Киритилаётган қўшимчалар транспорт воситасини бошқариш вақтида уяли телефондан фойдаланадиган ҳайдовчилар айби билан юз берадиган авария ҳолатларини камайтиришга йўналтирилганлиги кайд этилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Кириштирилган ўзгартиш ва қўшимчалар сўнгги йиллар мобайнида иқтисодийга солиқ юқини изчиллик билан камайтириб бориш, солиқ солиш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштириш, солиқ имтиёзларини оптималлаштириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилганлиги таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ижро этиш юзасидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам маъқулладилар. Бунда улар киритилаётган ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблаглари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадкиқот ва инновация ишларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш имконини беришини кўрсатиб ўтилди.

Шундан кейин парламент юқори палатасининг аъзолари "Нодавлат нотариат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Уни муҳокама қилиш чоғида Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"ги ва 2005 йил 23 июндаги "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини ижро этиш учун ишлаб чиқилганлиги ҳамда нодавлат нотариат ташкилотлари фаолияти кафолатларини белгилашга, улар ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлашга, ижтимоий ҳамкорлиқни кенгайтиришга ҳамда давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлаш ме-

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING QARORI

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Буритош Мустафоев Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ.**
Тошкент шахри, 2006 йил 1 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING QARORI

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тўрабек Тўрсунбеков Раҳмонов Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Уктам Холмиразавич Холмиров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ.**
Тошкент шахри, 2006 йил 1 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING QARORI

Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Кириллидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Исан Муртазоевич Мустафоев Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Кириллидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ.**
Тошкент шахри, 2006 йил 1 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING QARORI

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин:
- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тулмаган шахслар;
- в) 60 ёшга тулган эркеклар;
- г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик оққасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукми қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.
3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони муҳимлар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукми қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
5. Таъкидланган ташкилотлар фаолиятини иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга:
6. Мазкур Қарорнинг 1-4, 6, 7-бандлари – таъкидланган ташкилотлар фаолиятини иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.
7. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.
8. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ.**
Тошкент шахри, 2006 йил 30 ноябрь.

БОЛАЛАР ШОД БЎЛИШДИ

Болаларнинг қувончини кўриш, уларга қўшилиб қувонни хамиша завқли. Чунки, уларнинг бегубор қалблари доимо ширин орзуларга тўла бўлади.

Яқинда Уртачирчиқ туманида истикомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг 50 нафар фарзандлари Темирийлар ҳамда тарих музейларига саёхатга олиб борилиди.

— Болаларнинг юзларидаги қувончини кўриб, тарихимизга қизиқшларининг гувоҳи бўлиб, уларнинг келажаги пораққиллигига ишончимиз қимил бўлди, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими раиси Инобат Абдуллоева.

Зилола ФОЗИЛОВА, ўзМУ талабаси.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY SAILOV KOMISSIYASINING QARORI

Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 7-, 11-, 16-, 47-моддаларига ва Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилансинки, 25-Ибн Сино, 75-Зангиота, 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга сайлов Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 8 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида"ги 202-сонли қарори билан тузилган чегаралар доирасида ўтказилди.
2. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 25-Ибн Сино округ сайлов комиссияси 11 кишидан, 75-Зангиота округ сайлов комиссияси 9 кишидан, 86-Қўқон округ сайлов комиссияси 11 кишидан иборат таркибда тузилсин.
3. Халқ депутатлари Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятлари Кенгашларининг тасвиёларига кўра округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби куйидагича тасдиқлансин:
- Тошкент вилояти бўйича**
75-Зангиота округ сайлов комиссияси
Манзили – Эшонгузар қўргони, Зангиота тумани
Марказий сайлов комиссияси раиси **М. АБДУСАЛОМОВ.**
Тошкент шахри, 2006 йил 29 ноябрь.

КЕЛАЖАК ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг II курултойи бўлиб ўтди.



Унда ёшларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридан келган 600 нафар энг фаол вакиллари иштирок этишди.

Тошкент вилояти делегатларини қарнай ва сурнай садолари остида вилоят ҳокими Мирзамашрап Кучичев қутиб олди ва уларга самимий тилаклар билдириди. Вилоят ёшлари курултой ўтадиган «Туркистон» саройи томон йўл олишди.

Курултойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги Қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Шунини айтиш керакики, ўтган давр мобайнида ташкилот саъй-ҳаракати билан муайян ишлар амалга оширилди. Ёшлар олдига турган муаммоларни ечиш, уларнинг дунёқарашини ўстириш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган оммавий-маданий тадбирлар, турли кўрик-танловлар ва учрашувлар ўтказилди.

Курултой иштирокчилари «Қамолот» ЁИХ ёшларининг орзу умидларини рўйга чиқариш, жамиятимизни ижтимоий-маънавий ва иқтисодий янгилаш жараёнида ўз ўрнини топишларида уларга кўмаклашиш борасида олиб бораётган ишларини ижобий баҳоладилар.

— Бугун «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши ўз иш режасида фаолият самарадорлигини ошириш мақсадини қўйган, — дейди «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши раиси Шўхрат Қўчқоров. — Бизнинг куч-гайратимиз ёшларни янгидан-янгидан ташаббуслар билан чиқишга чақириб, эркин фикрлаш ва сўзлашга ўргатиш, уларнинг ташаббусларини амалга таътиб этиш, ижодий ва ижтимоий фаолиятини оширишга қаратилди.

Лексин ёшлар ташкилоти фаолиятида расмийлик, кампаниябозлик ҳолатлари учраб тургани, ташкилотнинг ёшлар дуч келмайдиган муаммолардан ўзқоллашиб қолгани, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга ўз имкониятларини намоян қилиш учун шарт-шароит яратиш билан боғлиқ камчиликларни билириш тўғрисидаги фикрларни билдиришди.

(Давоми 2-бетда).

баридан туриб айтилди.

Анжуман қатнашчилари ҳаракатнинг Марказий кенгаши раиси Акрам Алимовнинг ҳисоботи ҳамда Дастир ва Низом лойиҳаси бўйича маърузани муҳокама қилдилар. Дастир ва Низом жойларда конференция давомида билдирилган кўпдан-кўп фикрлар ва таклифларга асосланиб, ёшларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб тайёрлангани айтиб ўтилди. Бу ҳақда вилоятимиз камолотчилари куйидаги фикрларни билдиришди.

(Давоми 2-бетда).

«Қамолот» ЁИХ ёшларининг орзу умидларини рўйга чиқариш, жамиятимизни ижтимоий-маънавий ва иқтисодий янгилаш жараёнида ўз ўрнини топишларида уларга кўмаклашиш борасида олиб бораётган ишларини ижобий баҳоладилар.

— Бугун «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши ўз иш режасида фаолият самарадорлигини ошириш мақсадини қўйган, — дейди «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши раиси Шўхрат Қўчқоров. — Бизнинг куч-гайратимиз ёшларни янгидан-янгидан ташаббуслар билан чиқишга чақириб, эркин фикрлаш ва сўзлашга ўргатиш, уларнинг ташаббусларини амалга таътиб этиш, ижодий ва ижтимоий фаолиятини оширишга қаратилди.

Лексин ёшлар ташкилоти фаолиятида расмийлик, кампаниябозлик ҳолатлари учраб тургани, ташкилотнинг ёшлар дуч келмайдиган муаммолардан ўзқоллашиб қолгани, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга ўз имкониятларини намоян қилиш учун шарт-шароит яратиш билан боғлиқ камчиликларни билириш тўғрисидаги фикрларни билдиришди.

(Давоми 2-бетда).

Қуйи матбуотга бир назар

ҲАММА ГАП – ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШДА

Инсон онги учун чиниктириш, унинг хатти-ҳаракатини ўзининг мафқуравий ва амалий мақсадларига бўйсундириш жамият ва давлат учун, ўз истикболи, бугуни ва келгусидаги барқарор ривож учун интилиш демакдир. Оммавий ахборот воситалари, хусусан, унинг муомтоз тури – матбуотнинг бу жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта.

Шу боис давлатимиз раҳбари миллий мустақилликка эришилган дастлабки куларданок оммавий ахборот воситалари, шу жумладан матбуотни ривожлантиришга жиддий аҳамият бериб келмоқда. Бир қатор қонунлар ва қарорлар Ўзбекистонда миллий матбуотни давр талаблари даражасига кўтаришнинг ҳуқуқий, қонунчилик ва моддий-маънавий асосларини мустақамлади. Беистисно барча бугун ҳамда турдаги матбуот нашрлари миллий истиқлол гоёсини янгиланаётган жамиятнинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиб,

мустақил она-Ватанимизнинг асл фарзандлари – ватанпарвар, гайрат-шижоатли, меҳнатсевар ва ташаббускор янги авлод тарбиялашда тобора фаол қатнашмоқда.

Ижтимоий-сиёсий нашрларнинг куйи бўғини – шахар ва туман газеталари, айтиш мумкинки, мафқуравий курашининг энг олдинги маррасида туриб, истиқлол гоёларини тарғиб қилиш, замондошларимизни унга сажодат руҳида тарбиялаш, ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятда қийратлараро дўстлик, тинчлик ва барқарорлиқни қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳаётта, унда кечаётган жараёнларга, ўз ўқувчиларига бевосита яқинлик ижодкор ва маънавий ҳаётдаги янгиликларни дарҳол илғаб олиш ва ҳозиржабо бўлиш имконини бераётгани, вилоятимизда нашр этилаётган ахсарият газеталарининг саҳифаларига иқтисодий, мафқуравий, маънавий-маърифий тарбия соҳасидаги тажриба ва долзарб муаммолар дадил ва ўқиниш ёритилаётди.

Шу ўринда Уртачирчиқ туман газетасининг фаолиятига алоҳида тўхталиш ўринлидир. Унинг саҳифа-

ларида турли мулкчилик шаклларига асосланган иқтисодийнинг ривожини маърифий тарбия, ўзини ўзи бошқариш идоралари, сиёсий партиялар, турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг фаолияти атрофида ёритиб борилаётган янгиликлар содда ва ишонarli олиб беришдан мақолалар газетехонларда алоҳида қизиқиб ўйотмоқда.

(Давоми 2-бетда).

2007 йил учун обуна давом этмоқда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

"Ўзбекистон Республикасининг Коллектив ҳавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзоларига тикланиш ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонунни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар бу Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига мўл ҳақидаги Баённомани тингладилар.

қасида давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларни ижро этишнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар.

бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Масалан, айрим қонун нормаларини амалга ошириш механизмидаги камчиликлар, шу жумладан тегишли қонуности ҳужжатлари ўз вақтида қабул қилинмаганлиги туфайли улар ишламаган ва бу ҳол ҳуқуқни қўлловчи органларга маъруз қонунларни ўз билганларида талқин қилиш имконини берган.

чиликларни бартараф этиш юзасидан ўз мулоҳазалари, аниқ таклифларини билдирдилар. Адлия вазирлигининг давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини мониторинг қилиш борасидаги ишларини яхшилашга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқдилар.

Қироллигидаги Фавкулдада ва Мухтор Элчинини тайинлаш масаласини кўриб чиқдилар.

КЕЛАЖАК ЁШЛАР ҚЎЛИДА



Дилшод МИРЗАКУЛОВ, «Ўзметкомбинат» АИБ муҳандиси: «Қамолот» ёшларнинг бугуни ва эртасини аниқ дастур асосида муваффақиятли белгилашга эришилмоқда.



Мохиехра БАҲРИДИНОВА, Тошкент Давлат иқтисодий университети 1-босқич талабаси: «Мен ташкилотга икки йилдан бери аъзоман. Ёшлар ташкилот ўз олдига қўйган асосий гоёларга ишонини ва шу асосда бирлашиши лозим.



Эргаш ГАФУРОВ, Окқўрғон тумани, Сегизбоев номили ширкат ҳўжалиги бош ҳисобчиси: «Бугун ёшлар муаммоларини ҳал этишга қаратилган муш тарзини, соғлом орзу-интилишларни соғлом тартибда...



дастур ва тадбирларни амалга ошириш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга қишлоқ жойлардаги ёшларни иш билан таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш кечириши учун имконият тўғдириш, уларнинг онгига замонавий дунёқарашни қарор топтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби ўта муҳим масалаларга ҳаракатнинг ҳисаси салмоқли эканлигини таъкидлаш жоиз.

Соғлиғимиз ўз қўлимизда

ҚАТЪИЙ ТАРТИБ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

ОИТСнинг энг катта зарари шуки, у инсон танасида иммун тизимининг кескин сусайишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, зарарланган тана секин кечувчи ва рақ касалликларини келтириб чиқарувчи зарарли моддаларни асос бўлиб қолади. Асаб ҳужайраларида вирус кўпайиб, марказий асаб тизимини захарлайди.

Бугунги кунда вилоятимизда янги корхона, муассаса ва яққа тартибда уй-жой қурилишига катта эътибор берилмоқда.

Айниқса, тураржой бинолари қуриш кўлами кун сайин кенгаймоқда. Лекин афсуски, бу жараёнда меъёр ва қоидаларга зид бўлган камчиликларга йўл қўйилиши сабабли содир бўлган ёнгинлар бир уйдан иккинчисига ўтиб кетиш ҳолатлари учрамоқда.

НАФИ БЕҚИЁС

Экинларни турли зараркундор ҳашаротлардан муҳофаза қилиш учун биологик усулдан фойдаланиш йил сайин кенгаймоқда. Қишлоқ туманларида ташкил этилган қатор биологик фабрика ва лабораториялар ҳодимлари фойдали ҳашаротлар тайёрлашни қўлайиштиряпти.

Ёнғун ҳавфсизлиги ойлиги

қурилиш талабларига риоя қилайлик ён қурилган қўшни бинолар ўртасида ёнғинга қарши деяр бўлиши ва у қамида 2,5 соатгача оловга чдамли, қўшни биноларнинг том қисмидан ва туташ деворларидан 60 сантиметр баланд бўлиши лозим.

Қўйи матбуотга бир назар

Қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, оилада фарзанд тарбияси, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислохотлар, унда маҳалланинг аҳамияти мавзуслари ҳамisha ижодкорларнинг диққат марказида турибди.

Тошкент вилояти сайлов комиссияси ҚАРОРИ

Бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва таркибини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 7-, 11- ва 44-моддаларига мувофиқ Тошкент вилояти сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. 16- "Янги ҳаёт", 22- "Ғазалкент", 36- "Оққўрғон", 43- "Кориз" сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга сайлов Тошкент вилояти сайлов комиссиясининг 2004 йил 5 октябрда қабул қилинган "Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида"ги 3-сонли қарори билан тузилган чегаралар доирасида ўтказилди.

- Комиссия котиби: Қодиров Турсунали Худойбердиевич – 31-мактаб директори ўринбосари
- Комиссия аъзолари: Масалиев Исмоил Ибрагимович – "Оққўрғон" д.ф.х биологическая лаборатория филиали бошлиғи
- Маманазаров Шерназар Ғоипназарович – Оққўрғон пахта тозалаш завод бўлим бошлиғи
- Боймирзаев Зийдулла Холбўтаевич – 16-мактаб директори
- Ботиров Камолддин Файзуллаевич – Туман автобус-такси саройи директори
- Абдиева Дилфуза Ҳаётовна – 6-мактаб ўқувчиси
- Ҳакимжонов Зокиржон Рахимжонович – "Зафар" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
- Мусоқов Ҳамид Мусаевич – "Оққўрғон овози" газетаси муҳбири
- Парпиев Ахат – ҳуқуқшунос
- Пскент тумани бўйича: 43-Кориз округ сайлов комиссияси Манзили – Пскент тумани Кориз қишлоқ фуқаролар йиғини биноси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.



Даврон АХМАД олган суратлар.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with columns for days of the week (Dushanba 4, Seshanba 5, Chorshanba 6, Payshanba 7, Juma 8) and TV channels (Ўзбекистон 1TV, Тошкент 1TV, Спорт). Each cell contains a list of programs with their start times.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат Асосий Қонунининг ўрганилиши жараёни мунтазам равишда ёритиб борилиши таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида

«МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ»

танловини эълон қилади. Танлов йўналишлари Танлов куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади: — энг яхши тахлилий материал (мақола, очерк, репортаж); — энг яхши интервью; — энг яхши фоторепортаж.

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Асосий Қонунни ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар тахлилий ва танқидий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган. «Менинг Конституциям» танловига рўқнда танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов аънавий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арафасида эълон қилинади ва бир йил давом этади. Танлов ғолиблари келгуси йил Конституция байрами арафасида аниқланиб тақдирланади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларида иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Танлов ғолибларига мукофотлар Ҳар бир йўналиш бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Менинг Конституциям» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 20 ноябрга қадар куйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 144-16-15. www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzrak.uz.

Ташкилий кўмита.

МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Давлат мулк кўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси «Respublika Mulk-Auksioni» давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда барча маҳаллий ва хорижлик сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошиши ва сармоя киритиш мажбуриятлари олиниши тартибида ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

Танлов савдолари 2007 йил 5 январь кўни соат 11.00 да Давлат мулк кўмитаси биносида ўтказилади.

Танлов савдосига куйидаги давлат объекти кўйилади:

Table with 5 columns: Корхона ёки объект номи, Жойлашган жойи (тум. шах), Сотилаётган Давлат активнинг тури (пай, улуш, акциялар пакети, тўлиқ мулкый мажмуа шаклида ёки мол-мулк), Асосий шартлар, Савдо тури, Бошланғич баҳоси.

Танлов савдоларида қатнашишни хоҳлаган сармоядорлар, савдо ўтказиладиган сандан қаидада уч кун олдин, ўз сармоявий тақлифлари ва куйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: 1. Танлов қатнашсининг талабномаси; 2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (хорижлик сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчионаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчионаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари); 3. Сармоядор вакилига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқлаб берилган ишончнома; 4. Сармоядорнинг тўлов салоҳиятига ага эканлигини тасдиқловчи, хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; 5. Танлов савдоси объектига сармоядор таклиф этаётган, унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаган минимал микдорни (таклиф баҳоси) унинг бундан кўра бошланғич баҳосидан кам бўлса, у қўриб чиқилмайди); 6. Савдо яқунлари бўйича сармоядорга билдиришнома юборилиши учун зарур бўлган бошқа маълумотлар; 7. Савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда закатла пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси (конвертта солинимасдан шахсан тақдим этилади); 8. Жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари. Сармоя тақлифлари икки нусхада (асли ва нусха) конвертта солиним маҳкамланган ва шахсий муҳрлари билан тасдиқланган ҳолда «3-сонли Олтин балиқча болалар богчаси мулкый мажмуасининг танлов савдосига» ёзуви билан шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши мумкин. Ҳар бир сармоявий таклиф ва унинг ҳар бир сифаси, шахсан ваколатли шахс томонидан имзоланиши лозим.

Аҳоли диққатига!

Тошкент вилояти ҳокимининг 2006 йил 11 ноябрдаги 274-сонли қарорига асосан «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг Тошкент филиалига

қарашли шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида, почта алоқа бўлимларида ва почта ходимларига электр энергия, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, телекоммуникация ва бошқа хизматлар учун тўловлар қабул қилиш ҳуқуқи берилди.

Аҳолига қулайлиқлар яратиш мақсадида, вилоятдаги аҳоли яшайдиган пунктларга ва маҳаллаларга чиқиб хизмат кўрсатиш учун шаҳар ва туман почта, электр тармоқлари ва газ таъминоти корхоналари ҳамкорликда аҳолидан тўловларни қабул қилиш бўйича автомашинада 2021000804537599001 хисоб-рақамига закатла пули тўлашлари шарт. МФО-00442, СТИР-206761326.

Танлов савдоларида иштирок этиш учун закатла пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) кун олдин, аукцион савдоларига аризаларни қабул қилиш эса бир кун олдин тўхтатилади. Қўшимча маълумотлар учун «Respublika Mulk-Auksioni» давлат унитар корхонасига мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 55-уй, 14-қават, 6-хона. Телефонлар: 139-21-03, 139-22-27, 139-21-20. Факс: 139-83-90.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали.

